

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЭРГАШЕВ ВАЛИ АЛИМОВИЧ**

**ЎТКИР ВА СУРУНКАЛИ ОСТЕОМИЕЛИТЛАР ШАКЛЛАНИШИ  
МИКРОБИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИНИНГ САБАБ-ОҚИБАТЛИ  
БОҒЛИҚЛИКЛАРИ**

**03.00.04 - Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Эргашев Вали Алимович**

Ўткир ва сурункали остеомиелитлар шаклланиши  
микробиологик жиҳатларининг сабаб-оқибатли боғлиқликлари ..... 3

**Эргашев Вали Алимович**

Причинно-следственные связи микробиологических аспектов  
Формирования острых и хронических остеомиелитов ..... 23

**Ergashev Vali Alimovich**

Cause-effect relations of microbiological aspects of formation of acute and  
chronic osteomyelitis ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЭРГАШЕВ ВАЛИ АЛИМОВИЧ**

**ЎТКИР ВА СУРУНКАЛИ ОСТЕОМИЕЛИТЛАР ШАКЛЛАНИШИ  
МИКРОБИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИНИНГ САБАБ-ОҚИБАТЛИ  
БОҒЛИҚЛИКЛАРИ**

**03.00.04 - Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib384 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нуралиев Неккадам Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирзаева Мамлакат Айнакуловна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Эшбоев Эгамберди Хусанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел.факс: (99871) 150-78-25, e-mail [tma@mail.ru](mailto:tma@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел/факс: +99871- 150-78-25.

Диссертация автореферати 2018 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Л.Н.Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.У.Таджиева**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Б.М. Таджиев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Турли локализацияга эга ўткир ва сурункали остеомиелитлар бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳар хил ёшдаги беморлар орасида учраш даражаси, қолдираётган асоратлари, келтираётган тиббий, ижтимоий, иқтисодий зарари ҳисобига назарий ва амалий тиббиётнинг долзарб моаммолари қаторига киради. Бугунги кунда патоген қўзғатувчилар билан бир қаторда шартли патоген ва госпитал инфекциялар қўзғатувчилари келтириб чиқараётган остеомиелитлар ҳам учрамоқда. Остеомиелитларнинг учраши «.....суяк очиқ синишлари натижасида асорат сифатида 1,4-14,4% да, ёпиқ синишлардан сўнг эса 0,4-7,6% да кузатилади»<sup>1</sup>. Бунинг оқибатида беморлар ҳаёт сифати пасайиб бормоқда. Ўткир ва сурункали остеомиелитлар микроб пейзажини, қўзғатувчилар микробиологик жиҳатларини, касаллик шаклланишида беморлар ёшига хос хусусиятларини қиёсий баҳолаш соҳа мутахассислари олдида турган асосий муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ўткир ва сурункали остеомиелитларни ташҳислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада остеомиелитларнинг «... патогенези, ташҳиси, даволаш тактикаси ва беморлар реабилитацияси унинг этиологиясига узвий боғлиқ ...»<sup>2</sup> лиги бўйича илмий манбалар мавжуд. Кўпгина давлатларнинг илмий-тадқиқот ҳамда клиник марказларида ўткир ва сурункали остеомиелитлар муаммоларига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари бажарилмоқда, бироқ остеомиелит касалликларининг микробиологик жиҳатлари, турли кўринишдаги этиологик агентлар учраш даражаси, кечиш динамикасидаги қўзғатувчилар алмашинуви, патологик жараённинг ўткирдан сурункалига ўтишида микроорганизмлар ҳолати, касаллик ривожланишини белгиловчи мезонлар яратиш билан боғлиқ муаммолар ҳанузгача ўрганилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, остеомиелит касалликлари ва улар келтириб чиқараётган ижтимоий иқтисодий омилларни бартараф этишга қаратилган самарали тадбирлар ўтказилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта уствор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида « ... асосий вазифалардан бири аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тез тиббий ёрдам тизимини ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш ...»<sup>3</sup> белгиланган. Турли ёшдаги беморларда учрайдиган остеомиелитларни эрта бактериологик ташҳислаш, даволашни такомиллаштириш мақсадида,

<sup>1</sup> Котельников Г.П., Столяров Е.А., Сонис А.Г. Острый гематогенный остеомиелит у взрослых // Гений ортопедии. - Курган, 2009. - №4. - С.17-24.

<sup>2</sup> Zeller J., Burke A. Osteomyelitis // JAMA. - 2008. - Vol. 299(7). - P.858-864.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони.

патологик жараённинг ўткирдан сурункали ҳолатга ўтишининг механизмини белгиловчи микробиологик мезонларни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш, кўзгатувчилар учраш даражаси ва этиологик агентлар алмашинувини ўз вақтида аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3494-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакалогия» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Остеомиелит суяк тўқимаси ва суяк кўмигини зарарловчи касаллик бўлиб, барча ёшдаги одамларда турли локализацияда учраши билан тавсифланади. Ҳозирги кунда остеомиелит билан касалланиш ижтимоий ва иқтисодий омиллар билан боғлиқлиги исботланган. Ишлаб чиқариш, рўзғор травматизми кўпайиши оқибатида остеомиелит билан касалланиш ортиб бормоқда. Ушбу патология одам организмига турли ички ва ташқи салбий таъсирлар натижасида организм ҳимоя омиллари пасайиши кузатилганда кўп учраши, оғир кечиши билан эътиборга молик (Шамсиев А.М., Зайниев С.С., 2012; Belthur M.V. et al., 2009; Langlois D.K. et al., 2014).

Остеомиелитларнинг ўткирдан сурункали шаклига ўтиши 15-30% ҳолатда кузатилган, метаэпифизар остеомиелит ўтказган 23-58,3% беморларда ортопедик асоратлар намоён бўлган. Бундан ташқари таянч-ҳаракат тизимида ўтказилган операциялардан сўнг 1,6-22,4% беморларда остеомиелит ривожланиши аниқланган (Сонис А.Г. ва ҳаммуаллифлар, 2013; Долгова И.В., 2013; Gahukamble A.D. et al., 2014). Ўтказилган барча илмий тадқиқотлар натижасида остеомиелитларда суякнинг қисмлари зарарланиши (остит, миелит, периостит) аниқланган ҳамда касаллик барча ёш гуруҳларида, ҳатто чакалоқларда ҳам учраб, кўпроқ катта ёшдагиларда, шунингдек, эркак жинсига мансуб шахсларда кўп учраши кўрсатилган (Полковникова С.А. ва ҳаммуаллифлар, 2011; Чернигова С.В. ва ҳаммуаллифлар, 2013; Horst S.A. et al., 2012; Liao H.J. et al., 2015).

Остеомиелитлар этиологик агентлари ҳар хил авлод ва турга мансуб микроорганизмлардир. Улар орасида граммусбат кокклар, грамманфий бактериялар, анаэроблар билан бир қаторда турли микроскопик замбуруғлар

ҳам борлиги кўрсатиб берилган (Гафурова Н.С., 2011; Нуралиев Н.А. ва ҳаммуаллифлар, 2012; Матқурбанов А.Ш., 2012; De Souza S.O. et al., 2014; Kalinka J. et al., 2014; Lopes R. et al., 2014; Pigrau C. et al., 2015).

Бугунги кунда остеомиелит ўчоғининг микрофлораси асосан аэроблар (67,5%), анаэроблар (31,5%), микроскопик замбуруғлардан (2%) иборатлиги, кўп ҳолатда (74%) 2 ва 3 кўзғатувчидан иборат микроорганизмлар ассоциациялари учраши илмий манбаларда келтирилган. Этиологик агентлар спектрининг касаллик кўриниши, босқичлари, патологик жараённинг суякка персистенцияси давомийлиги, даволаш тактикасига боғлиқлиги ҳам аниқланган (Глухов Е.В. ва ҳаммуаллифлар, 2013; Авдеева Э.Ю. ва ҳаммуаллифлар, 2015; Gabrielli E. et al., 2014; Krojewski J. et al., 2014; Section J. et al., 2015).

Остеомиелитларда йирингли-яллиғланиш жараёни ва организмдаги тўқималар табиий резистентлиги параметрлари динамикаси орасидаги боғлиқлик аниқланган. Табиий резистентлик кўрсаткичлари касаллик кўзиш ва ремиссия даврига боғлиқлиги исботланган (Матқурбанов А.Ш., 2012).

Остеомиелитлар тарқалганлиги, таснифи, патогенези, клиникаси, давоси ва профилактикасига оид талайгина амалий ҳамда фундаментал тадқиқотлар ўтказилган бўлса ҳам (Шевцов В.И., 2009; Бургутов М.Д., 2011; Инамджанова И.У. ва ҳаммуаллифлар, 2016; Belthur M.V. et al., 2012; Al-Otaibi F.E., Al-Mohizea M.M., 2014; Seng P. et al., 2015), ушбу касалликлар микробиологик жиҳатлари, турли кўринишларидаги этиологик агентлари учраш даражаси, кечиш динамикасидаги кўзғатувчилар алмашинуви, патологик жараённинг ўткирдан сурункали кўринишга ўтишида мироорганизмлар жиҳатлари, касаллик истиқболини белгиловчи мезонлар яратиш билан боғлиқ тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган. Ушбу маълумотлар бажарилган тадқиқотни амалга ошириш заруратини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг «Одам турли юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлари профилактикаси самарадорлиги санитар-гигиеник ва микробиологик мезонларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш» илмий мавзуси режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўткир ҳамда сурункали остеомиелитлар шаклланиши микробиологик жиҳатлари сабаб-оқибатли боғлиқликларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

остеомиелитлар шаклланиш сабаби, касаллик кўринишларига боғлиқ ҳолда улар кўзғатувчилари манзарасини қиёсий баҳолаш;

остеомиелитлар кўзғатувчилари асосий таксономик белгилари вариабеллиги, унинг ўткирдан сурункали кўринишга ўтишидаги жиҳатларини қиёсий баҳолаш;

Ўткир ва сурункали остеомиелитлар қўзғатувчилари учраш даражасини патологик жараён шаклланиш сабаблари, беморлар ёшига мос ҳолатда қиёсий таҳлил этиш;

Ўткир ва сурункали остеомиелитлар кечиш динамикасида қўзғатувчилар униши, улар алмашинувлари сабаб-оқибатли боғлиқликларини аниқлаш ҳамда баҳолаш;

остеомиелитлар шаклланиши ва патологик жараённинг ўткирдан сурункали кўринишга ўтиши истиқболини белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ўткир ва сурункали остеомиелитлар ташҳиси қўйилган 380 нафар катта ёшли, 68 нафар болалар.

**Тадқиқотнинг предмети** беморлардан олинган биологик ашё (йиринг), қўзғатувчилар штаммлари, статистик маълумотлар.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Бактериологик, бактериоскопик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

остеомиелитлар шаклланиши ва патологик жараённинг ўткирдан сурункалига ўтишида *Pseudomonas aeruginosa*, *Klebsiella spp*, *Candida spp*, *Bacteroides spp* асосий қўзғатувчилар эканлиги исботланган;

остеомиелитда патологик жараён ва касалликнинг клиник оқибатлари қўзғатувчиларни вирулент штаммлар билан алмашишига боғлиқлиги аниқланган;

остеомиелит шаклларида қўзғатувчиларнинг монокультура ҳамда ассоциация ҳолатидаги патологик жараён кечишида макроорганизм ҳолати бирламчи, қўзғатувчи иккиламчи эканлиги исботланган;

остеомиелитлар сурункали шаклга ўтишида қўзғатувчилар унишининг динамикада ошиши, микроорганизмлар ассоциациялари идентификация қилиниши, ассоциацияда анаэроблар аниқланиш мезонлари ишлаб чиқилган;

ўткир остеомиелитларда *Staphylococcus aureus* барча штаммларнинг 51,9% ини ташкил этгани ҳолда, сурункали остеомиелитда 26,7% гача камайганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўткир ва сурункали остеомиелитлар қўзғатувчилари манзараси, ривожланган патологик жараён кечишининг микробиологик жиҳатларини қиёсий таҳлил қилиш орқали эрта ташҳислаш тизими ишлаб чиқилган;

остеомиелитлар шаклланиши, патологик жараён кечиш динамикасида касаллик қўзғатувчилари униши, ўзаро алмашинувларининг хусусиятлари, касаллик кечиши ва тугаши истиқболини белгилаши аниқланган;

касаллик чақирган микроорганизмлар идентификацияси ва дифференциациясини амалга ошириш учун бажариладиган тестлар унификация қилинган;

болалар ва катта ёшлиларда ўткир ҳамда сурункали остеомиелитлар қўзғатувчилари униш фоизлари, патологик жараён кечиш динамикасида



этиологик агентлар алмашинувларининг ёшга хос асосий тафовутлари аниқланган;

мазкур патологиянинг давоси ва профилактикасида касаллик этиологик агентлари ҳамда беморлар ёши эътиборга олинган ҳолда ёндошилуги таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижалари ишончилигини уни бажаришда қўлланилган анъанавий, бир бирини тўлдирувчи микробиологик усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, бажарилган тадқиқотлар ҳажми, статистик таҳлил усулининг қўлланилганлиги, ишончилик даражаси юқори бўлган параметрларнинг олиниши билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти остеомиелитлар этиологик агентлари манзарасининг ҳозирги кундаги ҳолатини баҳолаш, патологик жараён кечиш динамикасида қўзғатувчилар униши ва алмашинувининг ўткирдан сурункали кўринишга ўтишининг микробиологик жиҳатларини кўрсатиш, патологик жараён якуни истиқболни белгиловчи мезонлар ишлаб чиқилиши, эрта микробиологик ташҳис қўйиш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти остеомиелитлар етакчи қўзғатувчилари аниқланиши, микроб манзарасининг ёшга боғлиқ тафовутлари борлиги, улар униши, алмашинувининг патологик жараён ва касаллик истиқболни белгилаш, касаллик шаклланиши ва ўткирдан сурункали кўринишга ўтишининг микробиологик жиҳатлари, беморлар ёши, касаллик келиб чиқишига оид сабаб-оқибатли боғлиқликларни аниқлаш, қўзғатувчиларнинг микробиологик жиҳатларига асосланган даволаш муолажаларини эрта бошлаш орқали касаллик асоратларини, ногиронликни камайтирган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турли ёшдаги беморларда кечган остеомиелитлар бактериологик ташҳиси замонавий ҳолати бўйича олинган натижалар асосида:

остеомиелитлар билан касалланган беморлар микробиологик ташҳиси асосларини ўрганиш мақсадида ишлаб чиқилган «Остеомиелитлар қўзғатувчиларининг микроб манзараси ва улар униш даражаларининг ташҳисий қиймати» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 17 мартдаги 8н-р/55 сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада ўткир остеомиелитларда *Staphylococcus aureus* етакчилиги, сурункали шаклга ўтишида *Pseudomonas aeruginosa*, *Klebsiella spp*, *Candida spp*, *Bacteroides spp* асосий қўзғатувчилар эканлиги, қўзғатувчилар униши ошиши, микроорганизмлар ассоциациялари идентификация қилиниши, ассоциацияда анаэроблар аниқланиш мезонлари, вирулент қўзғатувчилар билан алмашиши, макроорганизм ҳолати бирламчи, қўзғатувчи иккиламчи эканлиги тавсия этилган;

ўткир ва сурункали остеомиелитлар этиологик агентлари манзараси, шаклланиши ҳамда ўткирдан сурункали кўринишга ўтиши сабаб-оқибатли боғлиқликларини ўрганиш баробарида улар микробиологик жиҳатлари

бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳар Яшнобод туман Давлат Санитария Эпидемиология Назорати Марказларида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 17 мартдаги 8н-р/55-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалий тиббиётга жорий этилиши бактериологик тадқиқотлар ўтказишда бюджет маблағларидан бактериологик текширишнинг ҳар биттаси бўйича 63000 сўмни тежаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро анжуманда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш 4 та боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Киришда** мазкур диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ушбу тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқ кўрсатилган, ўтказилган тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосланган, назарий ҳамда амалий аҳамияти кўрсатиб берилган, натижаларни амалиётга тадбиқ қилиш, диссертация иши апробацияси, эълон қилинган илмий ишлар рўйхати, диссертациянинг таркиби бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Остеомиелитлар клиник-микробиологик тавсифи, шаклланишининг микробиологик жиҳатлари**», деб номланган биринчи бобида ўткир, сурункали остеомиелитларнинг болалар ҳамда катта ёшли пациентларда учраш даражаси, таснифи, патогенези, ташҳисининг замонавий ҳолати, экспериментал остеомиелит моделларини шакллантиришда инфицирловчи агентлар ўрни тўғрисидаги маълумотлар келтирилган охириги йиллар илмий манбалари шарҳи ўрин олган.

Диссертациянинг «**Ўткир ва сурункали остеомиелитлар микробиологик жиҳатларини баҳолаш бўйича тадқиқотлар ҳажми, материал ва усуллар**», деб номланган иккинчи бобида текширилган беморлар контингентига тавсиф, касаллик клиник хусусиятлари ва фойдаланилган усуллар батафсил баён этилган. Мазкур диссертация ишини бажариш мақсадида жами 448 нафар остеомиелитнинг ўткир (n=53) ва сурункали (n=395) кўринишлари билан касалланган бемор болалар, катта ёшли пациентлардан биологик ашё (йиринг) олиниб, бактериологик

тадқиқотлар ўтказилган. Ўрганилган барча беморларнинг 380 нафари (84,8±1,7%) катта ёшлилар бўлиб, 68 нафари (15,2±1,7%) болалар бўлган.

Катта ёшли беморларда сурункали остеомиелитлар ўткирга нисбатан кўп учраши билан фарқланган - мос равишда 92,1±1,4% га (n=350) қарши 7,9±1,4% (n=30) - P<0,001. Болаларда ҳам шунга ўхшаш тенденция сақланиб қолган - мос равишда 66,2±5,7% га (n=45) қарши 33,8±5,7% (n=23) - P<0,001. Гарчи учраш тенденцияси бир бирига яқин бўлса ҳам, аммо тафовутлар катталиги бўйича фарқ кузатилган, ҳисобланган кўрсаткич катта ёшли беморларда 11,7 маргани ташкил этган бўлса, болаларда бу 2,0 мартага етган.

Ўрганилган барча беморларнинг 324 нафари (72,3±2,1%) эркак, 124 нафари (27,7±2,1%) аёл бўлган. Катта ёшли аёл ва эркаклар нисбати 1:2,62 га тенг бўлган бўлса (мос равишда 27,6±2,3%, n=105 ва 72,4±2,3%, n=275), қиз ва ўғил болаларда бу кўрсаткич 1:2,58 га (мос равишда 27,9±5,4%, n=19 ва 72,1±5,4%, n=49) тенг бўлган.

Беморларни ёш бўйича касаллик кўринишларига мос тақсимлаш фақат 6 ёшгача бўлган болаларда ўткир остеомиелитнинг сурункали кўринишга нисбатан кўп учраганини кўрсатган (P<0,001) - мос равишда 0-6 ёшлиларда 2,3 бараварга, 7-14 ва 15-18 ёшли болаларда ҳамда катта ёшлиларда бунинг тескараси кузатилган.

Ташҳисланган остеомиелитлар сабаблари қуйидагича: постравматик остеомиелит катта ёшлиларда 66,3±2,4% ни (n=252), болаларда 41,2±6,0% ни (n=28) ташкил этган. Гематоген остеомиелит катта ёшли беморларнинг 25,0±2,2% ида (n=95) касаллик сабабчиси сифатида намоён бўлган бўлса, болаларнинг 42,6±6,0% ида (n=29) қайд этилган. Катта ёшли беморларнинг 7,9±1,4% и (n=30), болаларнинг (ота-оналарининг) 16,2±4,5% и касаллик келиб чиқиши сабабини кўрсата олмаганлар.

Ўткир кўринишда болаларда гематоген остеомиелит постравматикдан ишонарли кўп учраган (P<0,001), катталарда улар орасида фарқ амалий жиҳатдан йўқолган (P>0,05), сурункали кўринишда эса ҳам болалар, ҳам катталарда постравматик остеомиелит гематогендан ишонарли даражада кўп учраган (P<0,001).

Патологик жараён локализацияси бўйича етакчилик сон, болдир, елка ва товон суякларида (P<0,05) бўлган. Бу тенденция катта ёшли пациентлар ва бемор болаларда бир хилда кузатилган. Баъзи ҳолатларда бир беморда патологик жараён иккита суякда локализация бўлгани кузатилган, шунинг ҳисобига 380 нафар беморга 391 та локализация тўғри келган. Катта ёшли беморларда 73,2%, болаларда эса 74,9% ҳолатда патологик жараён фақат сон ва болдир суякларида жойлашгани кузатилган. Болаларда тизза, чанок, ўмров суякларида патологик жараён локализацияси кузатилмаган.

Ўрганилган барча беморлар контингентига остеомиелитлар ташҳислари турли клиник, клиник-инструментал (рентгенологик), лаборатор усуллар ёрдамида International Statistical Classification of Diseases and Related Health Problems 10 th Revision Version for (2007) асосида верификация қилинган ва бактериологик усуллар ёрдамида тасдиқланган.

Баजारилган тадқиқотнинг микробиологик жиҳатларини баҳолаш учун анъанавий микробиологик усуллардан фойдаланилган. Биологик ашёни олиш ва уни бактериологик лабораторияга етказиш анъанавий усулларда (Зубков М.Н., 2004) амалга оширилган. Микроорганизмлар идентификацияси Bergeyts Manual Systematic Bacteriology (1997) бўйича олиб борилган. Бактериологик текширишлар учун «HiMedia» фирмаси (Ҳиндистон) озик муҳитларидан фойдаланилган.

Микроорганизмларнинг антибиотикларга сезгирлиги диско-диффузион усул ёрдамида аниқланган (МУК 4.2.1890 - 04). Униш диаметрларига мос сезгир (S) ва резистент (R) штаммлар баҳоланган.

Натижаларни статистик ишлаш учун анъанавий вариацион статистика усулларида фойдаланилган. Унда ўртача арифметик миқдор (M), ўртача миқдор хатоси (m) ва ишончлилиқ мезони (t) аниқланган. Барча текширишлар «Pentium-4» процессорли персонал компьютерларда «Excel» дастури ёрдамида амалга оширилган. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган (Пономарева Л.А., Маматкулов Б.М., 2007).

Диссертациянинг «**Остеомиелитлар кўзғатувчилари манзарасига қиёсий тавсиф ва улар биологик хусусиятлари таърифи**», деб номланган учинчи бобида ўтқир ва сурункали остеомиелитлар кўзғатувчилари манзарасига қиёсий таъриф берилган.

Бунинг учун 448 нафар катта ёшли ва бемор болаларда бактериологик тадқиқотлар ўтказилган. Экмаларнинг 28 тасида ( $6,2 \pm 1,1\%$ ) манфий бактериологик натижа олиниб, 420 та ( $93,8 \pm 1,1\%$ ) мусбат биологик намунадан 477 та штамм (ҳар бир беморга ўртача 1,14 штаммдан) унган. Олинган натижалар беморлар биологик намуналаридан 13 та авлод ва турга мансуб кўзғатувчилар аниқланганини кўрсатди.

Унган барча 477 штаммнинг  $56,6 \pm 2,3\%$  ида ( $n=270$ ) монокультура,  $43,4 \pm 2,3\%$  ида ( $n=207$ ) эса микроорганизмлар ассоциацияси (M/a) кўриниши қайд этилган. Жами кўзғатувчилар орасида граммулбат коккларнинг ( $53,0 \pm 2,3\%$ ,  $n=253$ ) грамманфий бактериялар ( $42,2 \pm 2,3\%$ ,  $n=201$ ), анаэроблар ( $2,3 \pm 0,7\%$ ,  $n=11$ ) ва *Candida spp* га ( $2,5 \pm 0,7\%$ ,  $n=12$ ) нисбатан ишонарли равишда ( $P < 0,001$ ) кўп учрагани алоҳида таъкидлаб ўтилган. Кўзғатувчилар орасида эса етакчилиқ *S.aureus* ( $29,6 \pm 2,1\%$ ,  $n=141$ ), *S.epidermidis* ( $15,3 \pm 1,6\%$ ,  $n=73$ ), *E.coli* ( $15,3 \pm 1,6\%$ ,  $n=73$ ), *P.aeruginosa* га ( $14,0 \pm 1,6\%$ ,  $n=67$ ) тегишли эканлиги эътиборни жалб қилган.

Монокультура ва M/a кесимида бўлса манзара бирмунча фарқли бўлган. Монокультура кўринишида граммулбат кокклар ва грамманфий бактериялар орасида ишонарли тафовут бўлган ( $P < 0,01$ ), аммо M/a ҳолатида бу ишонарли тафовут кузатилмаган ( $P > 0,05$ ). Бундан ташқари яна қуйидаги фарқлар аниқланган: *S.aureus* монокультура кўринишида M/a га нисбатан 2,8 мартага кўп унган; *Klebsiella spp* бўлса аксинча, M/a кўринишида 3,4 мартага кўп унган; *Bacteroides spp*, *Candida spp* фақат M/a кўринишида ажратиб олинган.

Беморлар биологик ашёсидан унган М/а лари 2 (n=52), 3 (n=23), 4 микроорганизмдан (n=9) иборат бўлган.

Илмий ишнинг кейинги босқичида остеомиелитлар билан касалланган беморлардан унган қўзғатувчилар манзарасининг касаллик кўринишига мос талқини ҳамда таҳлили келтирилган (1-жадвал).

Ўткир остеомиелит кузатилган 53 нафар турли ёшдаги беморлардан 54 та штамм унган, бу жами штаммларнинг  $11,3 \pm 1,5\%$  ини ташкил этган. Остеомиелитнинг ушбу кўринишида муҳим аҳамият касб этган этиологик агентлар қуйидагилар бўлган: *S.aureus*  $5,9 \pm 1,1\%$  (n=28); *E.coli*  $1,9 \pm 0,6\%$  (n=9); *S.epidermidis*  $1,3 \pm 0,5\%$  (n=6); *S.pyogenes*  $0,6 \pm 0,4\%$  (n=3) ҳолатда

### 1-жадвал

#### Остеомиелит билан касалланган беморлардан унган қўзғатувчиларнинг касаллик кўринишларига мос тақсимланиши

Қўзғатувчи	Ўткир, n=53		Сурункали, n=395		Жами, n=448	
	Мут	%	Мут	%	Мут	%
<i>S.aureus</i>	28	$5,9 \pm 1,1$	113	$23,7 \pm 1,9^* \uparrow$	141	$29,6 \pm 2,1$
<i>S.epidermidis</i>	6	$1,3 \pm 0,5$	67	$14,1 \pm 1,6^* \uparrow$	73	$15,4 \pm 1,7$
<i>S.saprophyticus</i>	1	$0,2 \pm 0,2$	14	$2,9 \pm 0,8^* \uparrow$	15	$3,1 \pm 0,8$
<i>E.faecalis</i>	1	$0,2 \pm 0,2$	10	$2,1 \pm 0,7^* \uparrow$	11	$2,3 \pm 0,7$
<i>S.hemolyticus</i>	2	$0,4 \pm 0,3$	4	$0,8 \pm 0,4 \leftrightarrow$	6	$1,2 \pm 0,5$
<i>S.pyogenes</i>	3	$0,6 \pm 0,4$	4	$0,8 \pm 0,4 \leftrightarrow$	7	$1,4 \pm 0,5$
Граммусбат кокклар, жами	41	$8,6 \pm 1,3$	212	$44,4 \pm 2,3^* \uparrow$	253	$53,0 \pm 2,3$
<i>E.coli</i>	9	$1,9 \pm 0,6$	64	$13,4 \pm 1,6^* \uparrow$	73	$15,3 \pm 1,6$
<i>Proteus spp</i>	3	$0,6 \pm 0,4$	18	$3,8 \pm 0,9^* \uparrow$	21	$4,4 \pm 0,9$
<i>Klebsiella spp</i>	0	0	27	$5,7 \pm 1,1$	27	$5,7 \pm 1,1$
<i>Enterobacter spp</i>	1	$0,2 \pm 0,2$	12	$2,5 \pm 0,7^* \uparrow$	13	$2,7 \pm 0,7$
<i>P.aeruginosa</i>	0	0	67	$14,0 \pm 1,6$	67	$14,0 \pm 1,6$
Грамманфий бактериялар, жами	13	$2,7 \pm 0,7$	188	$39,4 \pm 2,2^* \uparrow$	201	$42,1 \pm 2,3$
<i>Bacteroides spp</i>	0	0	11	$2,3 \pm 0,7$	11	$2,3 \pm 0,7$
<i>Candida spp</i>	0	0	12	$2,5 \pm 0,7$	12	$2,5 \pm 0,7$
Жами	54	$11,3 \pm 1,5$	423	$88,7 \pm 1,5^* \uparrow$	477	100,0
Униш йўқ	1		27		28	

Эслатма:  $\leftrightarrow$  - тафовут йўқ,  $\uparrow$  - ўткирга кўринишга нисбатан ишонарли ошган; фоизлар умумий штаммлар сонидан (n=477) келиб чиққан.

Бошқа қўзғатувчилар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз миқдорда ёки умуман ажратиб олинмаган, шу сабабли бу қўзғатувчиларга изоҳ берилмаган. Демак, *S.aureus* нинг ўрни остеомиелитнинг ўткир кўринишида сурункали кўринишига нисбатан бошқа қўзғатувчиларга нисбатан ишонарли даражада ( $P < 0,01$ ) юқори бўлган.

Сурункали остеомиелитларда унган штаммлар фоизи нисбатан кўп ( $87,9 \pm 1,5\%$ , n=419) бўлган. Ўткир остеомиелитда этиологик агент сифатида

идентификация қилинмаган *Klebsiella spp*, *P.aeruginosa*, *Candida spp*, *Bacteroides spp* сурункали остеомиелит кузатилган беморлардан унган (мос равишда  $14,0\pm 1,6\%$ ,  $n=67$ ;  $5,7\pm 1,1\%$ ,  $n=27$ ;  $2,5\pm 0,7\%$ ,  $n=12$  ва  $2,3\pm 0,7\%$ ,  $n=11$ ).

Ўткир остеомиелитда этиологик агентларнинг  $75,9\pm 5,8\%$  ини (54 тадан 41 та штамм) граммусбат кокклар,  $24,1\pm 5,8\%$  ини (54 тадан 13 та штамм) грамманфий бактериялар ташкил этган. Сурункали остеомиелит этиологик агентларининг  $50,1\pm 2,4\%$  ини (423 тадан 212 та штамм) граммусбат кокклар,  $44,4\pm 2,4\%$  ини (423 тадан 188 та штамм) грамманфий бактериялар,  $2,6\pm 0,8\%$  ини (423 тадан 11 та штамм) *Bacteroides spp*,  $2,8\pm 0,8\%$  ини (423 тадан 12 та штамм) *Candida spp* ташкил этган. Ушбу маълумотлар остеомиелитлар ўткир ва сурункали кўринишлари кўзғатувчилар манзарасидаги тафовутлар намоён бўлганини кўрсатган. Кейин ўткир остеомиелитлар учун аҳамиятли бўлган кўзғатувчиларнинг касаллик сурункали кўринишида учраши қиёсий таҳлил қилинган. Ўткир остеомиелитда *S.aureus* 54 та идентификация қилинган штаммларнинг 28 тасини ( $51,9\pm 6,8\%$ ) ташкил этгани ҳолда, сурункали кўринишда  $26,7\pm 2,1\%$  гача (423 штаммдан 113 таси) камайган. Бошқа кўзғатувчиларда бу хусусият кузатилмаган, чунончи, *S.epidermidis*, *E.coli*, *Proteus spp*, *S.pyogenes* да *S.aureus* да кузатилган ишонарли тафовутга гувоҳ бўлинмаган - мос равишда  $11,1\pm 4,3\%$  га қарши  $15,8\pm 1,8\%$ ;  $16,7\pm 4,3\%$  га қарши  $15,1\pm 1,7\%$ ;  $5,5\pm 3,1\%$  га қарши  $4,3\pm 1,0\%$ ;  $5,5\pm 3,1\%$  га қарши  $0,9\pm 0,5\%$ .

Ўткир остеомиелитда этиологик агент кўринишида учрамаган *Klebsiella spp*, *P.aeruginosa*, *Candida spp*, *Bacteroides spp* каби кўзғатувчиларнинг сурункали остеомиелитлар этиологик агентлари сифатида учраши эътиборли ҳолат. Уларнинг кўзғатувчилар сифатида учраши остеомиелитнинг ўткирдан сурункали кўринишга ўтиши истиқболлини белгиловчи микробиологик мезон сифатида тавсия қилинган.

Ўткир ва сурункали остеомиелитлардаги асосий тафовутлардан бири кўзғатувчиларнинг М/а шаклида учраши бўлган, ўткир кўринишда 1 ҳолатда 2 микроорганизмли ассоциация (*S.aureus* ва *S.epidermidis*) кузатилган бўлса, сурункалида 2 микроорганизмли 51 ҳолатда, 3 микроорганизмли 23 ҳолатда ва 4 микроорганизмли 9 ҳолатда ажратилган.


Илмий ишнинг кейинги босқичи остеомиелитлар шаклланиш жараёнида уларнинг сабабларига боғлиқ ҳолда микроб манзарасидаги ўзгаришларни кузатишга бағишланган. Олинган натижалар беморлар орасида посттравматик остеомиелит гематогенга нисбатан 2,3 мартага, сабаби аниқланмаган остеомиелитларга нисбатан 6,8 мартага кўп учраганини кўрсатган.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам (посттравматик ва гематоген) *S.aureus* бошқа кўзғатувчиларга нисбатан ишонарли равишда кўп учраган ( $P<0,001$ ). Посттравматик остеомиелитда кўзғатувчилар учраш даражаси бўйича кетма кетлик қуйидагича: *S.aureus* ( $22,6\pm 1,9\%$ ,  $n=108$ ); *S.epidermidis* ( $13,2\pm 1,5\%$ ,  $n=63$ ); *E.coli* ( $9,9\pm 1,4\%$ ,  $n=47$ ); *P.aeruginosa* ( $9,4\pm 1,3\%$ ,  $n=45$ ); *S.saprophyticus* ( $3,1\pm 0,8\%$ ,  $n=15$ ); *Klebsiella spp* ( $2,9\pm 0,8\%$ ,  $n=14$ ); *Candida spp* ( $2,5\pm 0,7\%$ ,  $n=12$ ). Гематоген остеомиелитда бу кетма кетлик бирмунча фарқли бўлган: *S.aureus* ( $5,5\pm 1,0\%$ ,  $n=26$ ); *E.coli* ( $4,0\pm 0,9\%$ ,  $n=19$ ); *Enterobacter spp* ( $2,7\pm 0,7\%$ ,

n=13); *P.aeruginosa* (2,5±0,7%, n=12); *Proteus spp* (2,3±0,7%, n=11); *Enterococcus spp* (1,9±0,6%, n=9); *Klebsiella spp* (1,9±0,6%, n=9).

Агар биринчи ҳолатда (посттравматик) граммусбат кокклар грамманфий бактерияларга нисбатан ишонарли кўп учраган бўлса (P<0,01), иккинчи ҳолатда (гематоген) грамманфий бактерияларнинг граммусбат коккларга нисбатан устунлиги кўринган (P<0,05).

Остеомиелитлар асосий кўзгатувчиларининг касаллик сабабларига боғлиқ нисбий кўрсаткичлари солиштирма тарзда 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Остеомиелитлар кўзгатувчиларининг касаллик сабабларига боғлиқ қиёсий кўрсаткичлари, %**

Ўткир ва сурункали остеомиелитларда болалар ҳамда катта ёшлилардан идентификация қилинган *S.aureus* ўз турига хос типик штаммлардан иборат бўлган. *S.aureus* патогенлик хусусияти бўйича ёшга оид тафовутлар аниқланмаган, касалликнинг ўткир, сурункали кўринишлари бўйича бирмунча фарқлар гиалуронидаза ва лецитиназа аниқланиши бўйича кузатилган. Шунинг баробарида антибиотикларга резистентлик бўйича бунинг акси кузатилган, яъни касалликнинг сурункали кўринишида антибиотикларга резистент *S.aureus* штаммлари учраш фоизи ўткир остеомиелитда унган штаммларга нисбатан ишонарли юқори бўлган. Бу ҳолат таксономик белгилар орасидаги сабаб-оқибатли боғлиқлик сифатида баҳоланган.

Унган кўзгатувчилар ўз типик таксономик хусусиятларига хос белгиларни намоён қилишган. Уларни анъанавий бактериологик усуллар ёрдамида идентификация қилиш қийинчилик туғдирмаган.

Диссертациянинг «Ўткир ва сурункали остеомиелитларнинг кўзгатувчилари унишининг беморлар ёшига хос сабаб-оқибатли боғлиқликлари», деб номланган тўртинчи бобида беморлардан унган этиологик агентлар спектри, улар учраш даражаси, кўзгатувчилар аниқланишининг касаллик кўринишлари, сабабларига боғлиқ ҳолдаги беморлар ёшига хос ўзгаришларини ўрганиш бўйича материаллар келтирилган.

Жами ўрганилган 68 нафар бемор боладан 78 та штамм (ҳар беморга ўртача 1,2 та штамм) ажратиб олинган. Монокультура (53,9±5,6%, n=42) ва М/а (46,2±5,6%, n=36) кўринишида қўзғатувчиларнинг солиштирма униш даражаси бўйича натижалар ишонарли бўлмаган. Шунга ўхшаш маълумотлар граммусбат кокклар ва грамманфий бактериялар униши солиштирма кўрсаткичлари орасида ҳам кузатилган.

Ўрганилган 380 нафар остеомиелит ташҳиси қўйилган катта ёшли беморлардан 399 та штамм (ҳар беморга ўртача 1,05 штаммдан) қўзғатувчи сифатида унган. Улардан 227 таси (56,9±2,5%) монокультура, 172 таси (43,1±2,5%) М/а кўринишида идентификация қилинган. Бу кўрсаткичлар бўйича катта ёшлилар натижалари болалар натижаларига яқин бўлган. Улардан фарқли равишда катта ёшлиларда граммусбат кокклар грамманфий бактериялардан монокультура шаклида ишонарли кўп ажратиб олинган (мос равишда 36,4±2,4%, n=145 га қарши 16,9±1,9%, n=67) - P<0,001.

Диққатни жалб қиладиган ҳолат шуки, болаларда монокультура кўринишида етакчилик *S.aureus* да, кейинги ўрин *P.aeruginosa* да бўлган бўлса, катта ёшлиларда бу кетма кетлик бошқача тус олган: *S.aureus* (22,3±2,1%, n=89), *S.epidermidis* (9,0±1,4%, n=36), *E.coli* (7,3±1,3%, n=29), *P.aeruginosa* (6,8±1,3%, n=27). Агар бемор болаларда М/а етакчи ўрин граммусбат коккларда (*S.aureus* ва *S.epidermidis*) бўлган бўлса, катта ёшлиларда бунинг акси кузатилган, яъни етакчилик *E.coli* (8,3±1,4%, n=33) ва *P.aeruginosa* га (7,2±1,3%, n=29) тегишли бўлган. Бошқа фарқли хусусият бемор болалардан унмаган *Bacteroides spp* катта ёшли беморларда 11 ҳолатда (2,7±0,8%) аниқлангани бўлган.


Монокультура ва М/а кўринишларида учраган штаммлар аниқланиш фоизлари кесимида кўрадиган бўлсак, 13 та унган қўзғатувчидан 4 тасида тафовут борлиги кўринган, агар *S.aureus* (22,3±2,1%, n=89 га қарши 6,8±1,3%, n=27) монокультура кўринишида ишонарли кўп учраган бўлса, *Bacteroides spp* ва *Candida spp* монокультура шаклида идентификация қилинмагани ҳолда М/а кўринишида унгани (мос равишда 2,7±0,8%, n=11 ва 2,5±0,8%, n=10) эътироф этилган. Болаларда бўлса бундай яққол тафовут фақат *P.aeruginosa* да (11,5±3,6%, n=9 га қарши 2,6±1,8%, n=2) аниқланган.

Барча унган 13 та қўзғатувчилар штаммларини ўрганиш баробарида ёшга боғлиқ ҳолдаги тафовутлар яққол кўринган баъзи микроорганизмларни монокультура ва М/а шаклларида учраши қиёсий натижалари 2-расмда келтирилган.

М/а шаклида 172 та штамм 2 микроорганизмли шаклда 37 (болаларда 15), 3 микроорганизмли шаклда 21 (болаларда 2), 4 микроорганизмли шаклда эса 9 (болаларда йўқ) ҳолатда аниқланган. Олинган натижадан кўриниб турибдики, катта ёшли беморларда болаларга нисбатан М/а учраши сезиларли даражада юқори.

Олинган натижалар катта ёшли беморларда ўткир ва сурункали остеомиелитларда унган қўзғатувчилар манзарасида сезиларли тафовутлар борлигини кўрсатган.





**2-расм. Болалар ва катта ёшлиларда кузатилган остеомиелитлар кўзғатувчилари унишининг қийсий кўрсаткичлари, %**

Кўзғатувчилар униш фоизлари бўйича беморлар ёшига боғлиқ тафовутлар ва сабаб-оқибатли боғлиқликлар борлиги ҳам эътиборлидир. Улар қуйидаги хусусиятларда намоён бўлган:

- болаларда ўткир ҳамда сурункали остеомиелитларда граммусбат ва грамманфий микроорганизмлар униши орасида ишонарли тафовут аниқланмаган ( $P > 0,05$ ), катта ёшли беморларда эса бу кўрсаткич сурункали остеомиелитлар фойдасига 7,6 мартага кўп бўлган ( $P < 0,001$ );

- *S.aureus* униши бўйича касаллик кўринишига мос болалар кўрсаткичларида ишонарли фарқ бўлмаса, катта ёшли беморлардан олинган рақамлар ишончли фарқ қилган - сурункали остеомиелитда 7,3 мартага кўп ( $P < 0,001$ );

- болаларда ўткир остеомиелитларда 4 та авлод ва турга мансуб кўзғатувчи унган бўлса, катта ёшлиларда 10 таси унган (2,5 марта кўп);

